XALQ DEPUTATLARI BUXORO SHAHAR KENGASHINING QARORI

2022 - yil 29 - iyul VI-75-100-2-42-K/22 Buxoro shahar hokimligi

Бухоро вилояти ҳокими Б.К.Зариповнинг Бухоро шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва профилактика инспекторлари билан ўтказилган учрашувида билдирилган таклифлар асосида аҳолининг ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича Бухоро шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларини йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 8 апрелдаги КҚ-331-IV-сонли қарорига асосан вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ йўналтириш бўйича таклифлар жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун 10 кун муддатда “E-qaror” электрон тизимига жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27 ва 126-моддалари, Бухоро вилояти ҳокими Б.К.Зариповнинг Бухоро шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва профилактика инспекторлари билан ўтказилган учрашувида билдирилган таклифлар асосида аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш бўйича 2022 йил 1 июлда тасдиқланган 1/4149-6-сонли чора-тадбирлар дастурида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, Бухоро шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил қўшимча манбаларини йўналтириш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқиб, халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Бухоро вилояти ҳокими Б.К.Зариповнинг Бухоро шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва профилактика инспекторлари билан ўтказилган учрашувида билдирилган таклифлар асосида аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш бўйича *(2022 йил 1 июлдаги 1/4149-6-сонли)* чора-тадбирлар дастури маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар дастури доирасида йўналтириладиган маблағлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бухоро шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, тегишли бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар:

шаҳар маҳаллий бюджетидан ажратиладиган маблағларни “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талаблари асосида мақсадли ва самарали ишлатилишини;

бажариладиган ишларни тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва экспертиза хулосаларисиз ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини қурилиш-монтаж ишлари билан бир вақтда тайёрлаган ҳолда бажарилишининг олди олинишини;

пудратчи (лойиҳачи) ташкилотларни белгиланган тартибда тендер ўтказмасдан танлаб олишга йўл қўймаслик чоралари кўрилишини;

инфратузилма объектларида белгиланган тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

4. Бухоро шаҳар ҳокимлиги молия бўлими (У.Файзуллаев)га вилоят ҳокимининг аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар дастури доирасида ажратиладиган маблағларни мақсадли сарфланиши юзасидан тизимли мониторинг юритишни таъминлаш топширилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Асадов), ижросини таъминлаш шаҳар ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Х.Яхёев зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Ж.Носиров**

Xalq deputatlari Buxoro shahar
Kengashining
2022 yil 29 iyuldagi
VI-75-100-2-42-K/22-son qaroriga
1-ilova

Бухоро вилояти ҳокимининг аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш бўйича *(2022 йил 1 июлдаги 1/4149-6-сонли)* чора-тадбирлар дастури доирасида Бухоро шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан йўналтириладиган маблағлар миқдори

млн.сўмда

Т/р	**Амалга ошириладиган тадбирлар номи**	**Ажратиладиган маблағлар миқдори ***	**Молиялаштириш манбаси**
1.	Бухоро шаҳридаги Тўқимачи, Гулшан маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида Street Workout (кўча спорти) спорт майдончаларини қуриш ҳамда 27 та маҳалла фуқаролар йиғинлари *(М.Улуғбек, Фурқат, Намозгоҳ, Б.Нақшбанд, Кўксарой, Варахша, Боғидашт, И.Бухорий, Авшормахалла, М.Таробий, Бунёдкор, Лоша, Наршахий, Жўбор, Хавзинав, Х.Ғунжорий, Ф.Хўжаев, А.Ғиждувоний, Чорбахоса, Тўқимачи, Навбаҳор, Янгиобод, С.Шерозий, Гулчорбоғ, Гулистон, Хавзи-нав, А.Навоий)* ҳудудида ёшлар учун спорт майдончаларини барпо этиш харажатлари учун	1 439,0	“Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан
2.	Бухоро шаҳридаги Намозгоҳ, Навбаҳор махалла фуқаролар йиғинларида намунавий енгил турдаги ёшлар кутубхонасини ташкил этиш харажатлари учун	400,0	“Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан
3.	Бухоро шаҳридаги О.Хўжаев маҳалла фуқаролар йиғини Алпомиш кўчасида жойлашган 5а, 5б ва 5-к 1 ётоқхоналарини таъмирлаш харажатлари учун	800,0	“Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан
4.	Бухоро шаҳридаги Тошмачит маҳалла фуқаролар йиғинидаги Қ.Муртазоев кўчасини 700 м, Фошун маҳалла фуқаролар йиғинидаги 500 м бўлган Фошун каналини темир панжара ўрнатиш харажатлари учун	240,0	Бухоро шаҳар маҳаллий бюджетининг орттириб бажарилган қисми маблағлари ҳисобидан
5.	Бухоро шаҳридаги 13 та даволаш-профилактика муассасларини тиббий аппаратлар билан таъминлаш. *- 9 дона УТТ (Миндрай ДП-50 2 даччиклик);* *- 13 дона электрокардиограф (12 каналлик);* *- 5 дона электромикраскоп;* *- 1 дона биохимиявий пол/автомат;* *- 1 дона Сентрофуга;* *- 1 дона Автоклав;* *- 1 дона ЗПР;* *- 2 дона (Дестелятор);* *- 26 дона компьютер жамланмаси;* *- 13 та моноблок* билан таъминлаш.	983,0	Бухоро шаҳар маҳаллий бюджетининг орттириб бажарилган қисми маблағлари ҳисобидан